



TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-бадний журнал
Икки ойда бир марта чиқади

МУАССИС:

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими
Хоразм Маъмун академияси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирожиiddин САЙИИД
Муҳаммад АЛИ
Кенгесбой КАРИМОВ
Иқбол МИРЗО
Гулистон МАТЕҚУБОВА
Қурбон ШОНИЁЗОВ
Аҳмад ОҚНАЗАРОВ
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Муротбой ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал САИДОВ
Нағмет АИМБЕТОВ
Ғайратдин ХЎЖАНИЁЗОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шорустам ШОМУСАРОВ
Каримбой ҚУРОМБОЕВ
Зарифбой ДЎСИМОВ
Олмос УЛВИЙ
Ваҳоб РАҲМОНОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Алима БЕРДИМУРДОВА
Марат НИЁЗИМБЕТОВ
Неъмат ПОЛВОНОВ
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА
Машариб АБДУЛЛАЕВ
Ўктам МАВЛОНОВ
Муҳаммадшариф ХЎЖАНИЁЗОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Норбек ТАЙЛАКОВ
Сафо МАТЖОНОВ
Усербой АЛЕУВ
Мэлс ҚОБУЛОВ
Дониёр ҲОЖИЕВ
Бозорбой ОРАЗАЛИЕВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи-безовчи:

Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Техник муҳаррир:

Улуғбек САИДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали
таҳририятининг компютерида
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00
"Филология" ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОЛНОМАСИДАН

Атабек САПАРБАЕВ. Янги Ўзбекистон истиқболи акс этган дастур. 2

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ

Фурқат ПРИМОВ. Бюджет сиёсати ислохотлари халқ манфаатлари хизматида. 3

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Айбек КАМАЛОВ. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда давлат органларининг ўрни. 6

Рустам КУРБАНБАЕВ. Мурожаатларни қўриб чиқиш қонуний кафолатланган. 10

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Мунаввара ЮСУПОВА. Китоб – доимий ҳамроҳим. 8

БЕРУНИЙШУНОСЛИК

Ҳамидулла ҲАСАНОВ. Берунийнинг дунё харитаси. 13

Асрор НИЗОМОВ. Беруний денгиз трансгрессияси ва регрессияси ҳақида. 16

ТАРИХ

Орзиев МАҲМУД. XX аср бошларида Россия – Афғонистон ўртасидаги муносабатлар тарихидан. 18

Машхура РЎЗИЕВА. Ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ижтимоий фаоллик. 22

Умиджон БЕКИММЕТОВ. Хоразм қишлоқлари советларнинг коллективлаштириш сиёсати арафасида.... 30

Ойбек РАШИДОВ. Совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати. 30

Манзура ЮСУПОВА. Наврўз байрами таомлари: тарихийлик ва замонавийлик. 33

Нилуфар КОШАНОВА. Халқимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана ва маросимлар... 35

Бахтиёрхўжа ШОДМОНОВ.

Ўзбекистон илм-фани ва таълими соҳасида ёш кадрлар тайёрлашнинг тарихий босқичлари..... 44

Адҳам МАВЛОНОВ. Сув – ислом динида асосий поқловчи унсур сифатида. 59

ОБЩЕСТВО

Ақбар ВАЛИЕВ. Социальная защита населения в условиях обретения

Узбекистаном государственной независимости..... 41

ФАЛСАФА

Роза САДИКОВА. Конфуций ахлоқий таълимоти. 49

Тимур МАДАЛИМОВ. Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. 52

Раимберди ХАЙТМЕТОВ. Мавлоно Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарида амалий ахлоқ муаммоси. 76

ЭКОЛОГИЯ

Шохрух МАДАТБОВЕВ. Янги даврни бошлаган тарихий Мурожаатнома. 55

Абдували БУРХАНОВ. Саъдулла АМИНОВ.

Некоторые вопросы экологии, роль и место экологии в обществе. 65

ФИЛОЛОГИЯ

Улбўсин АМЕТОВА. Кубровийлик тариқатида ранглар талқини..... 56

ТАРИХ БИЛАН УЧРАШУВ

Яҳё ҒУЛОМОВ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. 62

НАСР

Бегойи. Қолган кўнгил. Ҳикоя. 60

ЖАМИЯТ

Муяссар ВАХИДОВА. Янги чўққилар сари. 70

Саидвафо БОБОВЕВ. Ривожлантиришни дастлабки бугундан бошлаймиз. 71

НАЗМ

Назира БЕКИМБЕТОВА. Янги давринг муборак, Ўзбекистоним! 72

ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Malika ABDURAXMANOVA. "VATAN POSBONLARI" mavzusida bir soatlik tarbiyaviy soat ishlanmasi. 58

Манзилимиз: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани

"Халқлар дўстлиги" кўчаси, 11-уй. e-mail: qurbonboyeva@inbox.ru

Тел.: (+99899) 504-84-84

Босишга 14.02.2020 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 %. Нашриёт ҳисоб табоғи 6,5. Индекс – 960

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн

ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 6.

Адади 2300 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

ISSN 2181-8258

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДАГИ ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНА ВА МАРОСИМЛАР

Аннотация: Мақолада халқимиз ҳаётида зардуштийлик ва ислом таълимоти билан боғлиқ маросимлар уйғун ҳолатда яшаётганлиги этнографик жиҳатдан таҳлил қилиниб, зардуштийликка оид маросимлар замирида табиатни асраш тенденцияси ҳамда ёвузлик, нопокликка қарши кураш етакчи ўринда эканлиги илмий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўз: барсман, покланиш маросимлари, чилла, олов билан боғлиқ маросимлар, макрух, мурдашуй, сидрапўшлик, сума.

Аннотация: В статье рассматривается этнографический анализ зороастризма и исламских учений в жизни нашего народа, а также изучается тенденция к сохранению природы и борьбе со злом.

Ключевые слова: бары, ритуалы очищения, чилла, церемонии связанные с огнём, похороны, шумы, грязные суммы, макру, троуары.

Annotation: The article examines ethnographic analysis of Zoroastrianism and Islamic teachings in the lives of our people as part of Zoroastrian rituals and the study of the tendency to conserve nature and the fight against evil.

Key words: bars, cleansing rituals, chiles, fire-related ceremonies, funerals, murmurs, filthy macruh sums, swords.



**Нилуфар
КОШАНОВА,**
1982 йилда Беруний
туманида туғилган.
Чирчиқ давлат
педагогика инсти-
туту ижтимоий
фанлар кафедраси
ўқитувчиси



Маросимлар бир халқни бошқасидан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири бўлиб, халқнинг маълум бир тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларини мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди. Маросимлар жамоа томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган тадбирлар ҳисобланар экан, жамиятимиз аънавий ҳаётида минг йиллар давомида ўз аҳамиятини бутунлай йўқотмаган аънава ва маросимларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Қадимий аънавалардан айнан зардуштийлик билан боғлиқ маросим белгилари бутунлай йўқолиб кетмаган. Маълумки, исломгача бўлган даврда Марказий Осиё халқлари асосан зардуштийлик динига эътиқод қилган. Зардуштийлик милoddан аввалги I минг йилликда юзага келган башарий динлардан бири бўлиб, айнан қайси ҳудудда пайдо бўлганлиги ҳақида икки хил фараз мавжуд. Бир гуруҳ олимлар зардуштийлик Эронда пайдо бўлган дейишса, баъзи мутахассислар Марказий Осиёда Хоразм воҳасида пайдо бўлганлигини эътироф қилишади. Зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто ҳақида **Абу Райҳон Беруний** “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида “Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида Абистонинг ўн икки минг қорамош терисига битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб уларда хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди. Шунинг учун Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди” [1], -дея маълумот

беради. Зардуштийлик фалсафасига кўра яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг ботиний ички дунёсида яшайди. Зардуштийликда ёвузлик ва эзгулик ўртасида давом этадиган 12 минг йиллик курашда эзгулик тимсоли Ахурамазда ёвузлик, ўлим, касаллик илоҳи Ахриман устидан ғалабага эришади, дейилади. Инсон эса Ахурамазда руҳидан яратилганлиги туфайли яхшилик учун курашмоғи зарур. Зардуштийликнинг асосий ахлоқ-одоб фалсафаси уч сўзда: “Гуманту” – эзгу фикр, “Гутка” – эзгу сўз, “Гваршита” – эзгу амалда мужассамлашган [6.100]. Демак, зардуштийлик имон, фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидан иборат бўлган. Зардуштийлик таълимоти беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлувчи босқинчилик урушларини, қурбонликларни қоралаб ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиршига, меҳнаткаш бўлишга, деҳқончилик ва чорвачилик қилишга даъват этади. Таълимотда инсон яшаётган дунё муҳим ҳисобланади. Шунинг учун дунё лаззатларидан охират учун воз кечиш масалалари илгари сурилмайди. Авестонинг кўп ўринларида оила, оила аъзолари ва оила бошлиғининг вазифаси ва мажбуриятлари, оила-никоҳ муносабатлари турли ўринларда, ҳар хил муносабатлар билан махсус баён этилган.

Авесто Яшт китобининг Х бобида уй (оила) – *нмана*, уруғ – *висья*, қабила – *зантума*, мамлакат – *дахюма*, руҳоний – *Заратуштротеша* дейилган. *Нманопати* – уй бошлиғи, *биспар* – қабила бошлиғи, *дахюпати* – юрт боши. *Ноф* деб қариндош-уруғлар уюшмасига айтилган [4,189]. Шунингдек, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила дахлсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга эришиш, ота-оналарнинг, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари, фарзандларни оила қуришга тайёрлаш ва кўплаб оила, турмуш, анъана ва маросимларга оид фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ҳар бир халқ ҳаётида маросимлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу халқнинг бошқа халқлардан ажралиб турувчи муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Зардуштийлар урф-одатлари, маросимлари ҳақида гапирадиган бўлсак, диний маросимлари бир неча асрлар давомида руҳонийлар кузатуви асосида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Таълимотда маросимлар қатъий белгиланган тартибда амалга оширилган. Барча маросимларни диний билимга эга бўлган эркак кишигина амалга ошириши мумкин бўлган. Кундалик ибодатлари хусусида гапирадиган бўлсак, бир кунда 5 марта ибодат қилганлар. Ибодатдан олдин ҳар бир диндор белбоғини ечиб юз-қўллари ва оёқларини сигирнинг тозаланган пешоби (сувни исроф этмаслик мақсадида қилинган бўлиши мумкин), кум ва сув билан поклаган, сўнгра муқаддас белбоғини боғлаб, “сидра”ни кийган ҳолда белбоғнинг олди тарафини кўли билан ушлаб турган. Уларнинг нигоҳи тақводорлик рамзи билан оловга қаратилган,

ибодатда Ахурамазда мадҳ этилиб, Ахриман лаънатланган. Ҳар бир диндорнинг кўлида (айниқса мотам маросимларида) *барсман* деган бир ҳовуч хивич бўлган. *Хум* ҳам *барсман* ҳам борлиқ мувозанатини ва тозаликни сақлаш рамзи ҳисобланган [9].

Ибодат қилувчи аёллар сочларини беркитиши лозим бўлиб, оловга юзланган ҳолда ибодат қилганлар. Уларда йил фасллари билан боғлиқ байрамлар, Наврўз, аждодлар эътиқоди, турли дуолар айтиш, покланиш маросимлари, ўсмирларни зардуштийликка қабул қилиш (сидрапўш оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) ва бошқа маросимлар муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари бола туғилиши ва дафн маросими билан боғлиқ қатор маросимлар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Панжоб, Бомбей, Гуджарат каби ҳудудларида замонавий зардуштийлар истиқомат қилади. Зардуштийларнинг урф-одатларини ўрганиш мақсадида улар орасида 3 йил яшаган инглиз олимаси Мери Бойс маълумотида кўра “Зардушт ўзининг давомчиларига ўзига хос икки мажбуриятни – кунига беш маҳал ибодат қилиш ва *етти* байрамини нишонлашни юклаган” [8.44]. Туғилиш, никоҳ ҳамда ўлим билан боғлиқ маросимлар нафақат тафаккур, балки ҳиссиёт ва руҳ билан ҳам боғлиқ ҳолда юзага келади. “Зардуштийлар жамоаси орасида никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ мумкин бўлмаган. Эр-хотиннинг бир-бирига хиёлати қаттиқ қораланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном этилган, жазоланган ва никоҳдаги эри учун ҳаром ҳисобланган” [3.50]. Зардуштийлик дини тартиб-қоидаларига кўра ўз ҳаётини бўйдоқ ўтказиш ҳам қаттиқ қораланган. Баалоғатга етган қиз ота-она, жамоа раъйини писанд қилмай, зурриёд қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилаётган бўлса, қонга солиниб 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Зардуштийлик қонунларига кўра 17 ёшдан уйланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Агар эркак оила қуришга лаёқати бўлиб, оила қуришдан бош тортса унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига ҳар доим темир камар тақишга мажбур қилинган. Зардуштийликда авлодлар давомийлигини сақлаш мақсадида оила қуриш, насл қолдириш муҳим ҳисобланган. Эркак киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ бўлиши лозим, бунинг учун вақтида тўйиб овқатланиши керак, акс ҳолда эркак ўз хизмат бурчларини бажара олмайди. Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодатга кучи етмайди, соғлом фарзандни дунёга келтира олмайди, дейилади [6.84]. Зардуштийликда соғлиқни сақлаш, келажак авлодни асраб-авайлаш масаласига қаттиқ эътибор берилган. Зардуштийликда ҳомилани тушириш ёки нобуд қилиш қаттиқ қораланган. Агар фожеага эркак айбдор бўлса, қатл қилиш масаласида ҳукм чиқарилган [5.50]. Шу ўринда айтишимиз мумкинки, зардуштийлик-

да аёл ва эркакнинг бир-биридан устун қўйилмаганлиги, жинслар ўзаро тенг ҳуқуққа эга эканлиги эътиборга сазовордир. VIII аср бошларида арабларнинг Марказий Осиёга қилган истилочилик юришларидан кейин халқимиз ҳаётига ислом дини кириб келган бўлса-да, зардуштийликка тегишли анъана ва удумлар тўлиқ йўқолиб кетмай, ислом анъаналари билан уйғунлашиб, ҳамон яшаб келмоқда. Айниқса, зардуштийликдаги тўртта муқаддас унсурлардан ҳисобланган оловнинг муқаддаслигига ишониш яхши сақланган. Жумладан, никоҳ тўйи маросимларида Самарқанд вилоятида келин-куёвнинг олов атрофида уч марта, Қашқадарё вилоятида етти марта айланишини мисол қилиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Тўрткўл, Эпикқалъа, Амударё, Хоразм вилоятининг айрим туманларида тўй маросимида келин куёвнинг уйига келганида кичкина қоғозча ёқирилиб, устидан автомобиль юргизилади. Бу удум орқали келин олов ёрдамида покланади, ёки ёвуз кучлар таъсиридан ҳимоя қилинади.

Келин ота уйдан куёвниги кетишидан олдин шамчироқ ёқирилиб, янгаси ҳамроҳлигида йўлга чиқади ва ушбу шамчироқ келин-куёв хонасида уч кунгача ўчирилмайди. Илк марта куёв хонадонига ташриф буюрган келиннинг ота-онаси, қариндошларига – қудаларига пешвоз чиққан хонадон соҳиблари уларнинг пешонасига ун суртишади ва қариндош бўлганлигини эътироф қилишади. Ун солинган идиш ичига қанд-конфетлар солиниб, гўёки қариндошлик муносабатлари ширин бўлишини таъминламоқчи бўлишади. Қудалари қўлларига обдастада сув қуяр экан, сочиқ ўрнида яхши ниятда оқ мато парчасини тутқишилади. Бу одатлари орқали ҳар бир хатти-ҳаракати замирида яхши ният борлигини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Зардуштийликда эзгулик, поклик рамзи оқ ранг ҳисобланган. “Авесто”да қурғоқчилик ва офат келтирувчи ёвуз илоҳлардан бири Апуша қора от суратида тасвирланган. Унга қарши курашувчи ёғин-сочин ва дарё сувлари “эгаси” Тиштрия эса оқ отдир” [4.154], – дейилган.

Никоҳ маросимларида келинчакларга қора ва бошқа ранглардаги либосни кийдирмасдан, айнан оқ рангдаги либос кийилишида ҳам рамзий маъно бор.

Қорақалпоғистоннинг айниқса ўзбеклар кўпроқ истиқомат қиладиган ҳудудларида олов билан боғлиқ удумлар туғруқ жараёнини бошидан кечирган аёл билан ҳам ўтказилади. Аёл туғруқхонадан чиқиб уйига келгач, унинг кекса вакиласи остонадан она ва янги туғилган чақалоқ ўтмасидан олдин кичкина олов ёқади, аёл ундан боласи билан бирга ҳатлаб ўтади. Қари момолар гурурт қақиб бешикнинг ости-устини “инсу жинслардан халос қилгач”гина чақалоқ бешикка ётқизилади. Энг қизиғи шундаки, чақалоққа аталган тоғора ҳам (фойдаланилган тоғорани кейинги боласига ишлатишдан

олдин) оловдан ўтказилади. Чилла даври билан боғлиқ маросимларнинг илдизи ҳам зардуштийлик динига бориб тақалади. Халқимиз чақалоқ ва унинг онасини инсу жинслар таъсиридан асраш мақсадида чилла даври тартиб-қоидаларига риоя қилишади. “Чилла” сўзи форсча “чиҳил” сўзидан олинган бўлиб, қирқ деган маънони билдиради. Чилла инсон ҳаётидаги энг оғир ва энг масъулиятли даврини англатади. Анъанага кўра инсон ҳаётида уч чиллали давр бўлиб, бола туғилганида, никоҳ тўйи ва мотам кунларида 40 кунгача маълум амаллар бажарилади ҳамда чироқ ўчирилмайди. Чиллали одам ёлғиз қолдирилмайди, қоронғи, пана жойларда юриш ман қилинади. Шунингдек, ҳар чилланинг айнан учинчи, йигирманчи, қирқинчи кунларига кўпроқ эътибор қаратилган. Чиллали хонадонларга кириб-чиқиш қаттиқ назоратга олинган. Ёвуз кучлар таъсиридан сақлаш мақсадида қилинадиган чилла вилоятларда бир-биридан фарқли анъаналарга эга. Зардуштийлик эътиқодида кўра туғиш, касалликлар, ҳаттоки туғилиш ҳам организмнинг мурдор, макруҳ бўлишига, инсоннинг баркамол жисмоний ҳолати бузилишига олиб келади, дейилади. Зардуштийлар учун ҳар доим пок ҳолда бўлиш аҳамиятли ҳисобланган. Инсон ўзини доимо пок сақлаши учун ёмон ўй-хаёллардан йироқ бўлиши, касаллар, ўликларга яқинлашмаслиги, ҳатто уларга қарамаслиги ҳам зарур, дейилган. Нопок бўлиб қолган одам покланиши лозим бўлган. Покланиш маросимларига оид зардуштийлик ёзувларида таъкидланишича, “ҳайз кўрган, туққан ва касал бўлган аёллар маълум табуларга амал қилганлар, яъни ташқарига чиқиб ой ва куёшни кўришлари, боғда ишлашлари, ўчоқ бошига яқинлашишлари таъқиқланган. Бундай покланиш маросимлари қирқ кун давом этган”. Ўрта Осиёнинг кўплаб халқлари оилавий маросимларида ҳам 40 сони тасодикий эмас. У бир ёш босқичидан иккинчисига ўтиш ҳолатининг миқдор-сифати кўрсаткичини англатган. Айнан қирқ кундан кейин чақалоқ табиат олаmidан инсонлар оламига ўтган ва она нопокликдан ўзининг олдинги софлик ҳолатига қайтган. **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим туманларида чақалоқни кичик чилласидан чиқаришда тоғорадаги тоза сувга етти қошиқ шўр сув (тоғорага чучук сув ҳам аралаштирилади), катта чилласидан, яъни халқимиз таъбири билан айтганда “қирқ чилла”сидан чиқаришда оиланинг кўпни кўрган аёллари 40 қошиқ тузли сув солиб чақалоқни чўмилтиради.** Зардуштийликда чилла оғир, машаққатли, синовли даврлардан бири ҳисобланган. Халқимиз амал қилаётган чилла даврига оид кўплаб таъқиқ ва одатлар айнан зардуштийлик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зардуштийликда инсон вафот этгач айнан қирқ кундан сўнг руҳи бу дунёни буткул тарк этади, дейилади [2.150]. Мотам маросимлари ҳам ўзига хос бўлган. Зар-

душтиликда одам ўлгач унинг танасига ёвузлик, касаллик, ўлим худоси Ахриман ўрнашиб олади, деб тасаввур қилинган. Ахриман ўрнашган жасадни сувга ташлаш, ерга кўмиш, оловда ёқиш мумкин бўлмаган. Жасад йиртқичларга ем қилинган, Ахримандан тозаланган майит суяклари остадонларда сақланган. Одам ёки ит мурдаси теккан ҳудудда бир йилгача зироатчилик қилиш таъқиқланган.

Зардуштийликда ўлаётган одам билан тирик инсонлар ўртасида, муқаддас ҳисобланган баъзи нарсалар орасида масофа сақланган. Бу масофа сувдан 30 қадам, оловдан ва муқаддас шохдан 30 қадам узоқликда бўлиши шарт эди [2.109]. Зардуштийларда мурданинг нопоклиги ҳақидаги қарашлар мотам маросимларининг марказида турди. Зардуштийлар анъаналарига кўра, мархумларга фақатгина мурдашўйларгина тегина олган.

Мотам маросимларида халқимиз тобутни кўтаришда ҳам маълум бир одатларга риоя қилди. Хонадонда бошқа ўлимчилик бўлмасин, деган ниятда тобутни уч марта ерга қўйиб олиш одати мавжуд. Майит чиққан хонадонда кўзгу ва тошоналар бекитиб қўйилади. Хоразм вилоятида эса майит уйдан оёқ томони билан олиб чиқилади. Республикамизнинг кўплаб вилоятларида майит учун ишлатилган буюмлар (обдаста, тоғора ва ҳоказо) тирик одамлар эҳтиёжи учун ишлатилмайди.

Майит учун тикилган кўрпа ва бошқа тўшамчалар юлдуз кўрсин, қабилида томбошига (уй томи тепасига) ташлаб қўйилади ва умуман ишлатилмайди. Бундан кўриниб турибдики, зардуштийлар таълимотидаги мурда теккан ҳар бир нарсанинг нопок ҳисобланиши билан боғлиқ қарашлар таъсири ҳамон сақланиб келмоқда. Майит чиққан хонадонда етти кунгача чиқоқ ёқилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида ва Хоразм вилоятида чақалоқ учун аталган бешикни фақат бир киши кўтариши лозим, икки киши кўтарадиган бўлса, хосияти ёмон – тобут кўтаргандек бўлади, дейишади. “Вафот этибди” дейиш ўрнига “қайтиш қилибди” қабилидаги жумла ишлатилиб, инсоннинг бир дунёдан иккинчисига кетганлигини эътироф қилишади. Марказий Осиёда кенг нишонланиб келинаётган 3000 йиллик тарихга эга бўлган Наврўз байрами зардуштийлик юзага келишидан олдин пайдо бўлган. Зардуштийлик таълимотида Зардушт Наврўз байрамларидан бирида муқаддас хаома ичимлигини тайёрлаш учун сой бўйига борганида сув устида нурни кўради ва унинг ортидан эргашиб Ахурамазда олдиға бориб қолади, шунда Ахурамазда уни танлаганини айтади, дейилади. Инглиз олимаси Мери Бойснинг ёзишича, қадимги зардуштийлар

эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини ният қилиб, муқаддас ўсимликлардан бирини туйиб, ширасини олганлар ва сувга оқизганлар. Бу ўсимлик ширасини қадимги ҳиндлар “сома”, Авесто битикларида эса “хаома” деб аталган бўлиб, бу сўз “сиқиб олинган сув” маъносини англатади. Баъзи мутахассислар фикрича, қадимий туркий тилда “ивитилган дон” маъносини англатувчи “сума” сўзидан олинган [7.160]. Авестода, битта уруғ сепсанг мингта девни ўлдирасан, дейилади. Халқимиз айнан баҳор фаслида тайёрланадиган сумалак учун буғдой ундирадиган аёлларга катта савоб ёзилади, дейиши бежиз эмас, албатта. Буғдой ширасини қозонга солишган, оловни биринчи юзи қизил аёл ёқса сумалак қизариб чиройли тусда пишишига ишонишади. Зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ ҳар бир маросим ва одатлар замирида нопокликка ва ёвузликка қарши кураш ғояси мавжуд бўлиб, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик улуғланган. Ҳозирги кунда ҳам зардуштийлик билан боғлиқ баъзи анъана, маросим ва одатлар ислом анъаналари билан уйғунлашган ҳолда халқимиз ҳаётида яшаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. *Фан.Т-1968. Б.238.*
2. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий маросим ва урф-одатлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. *Т-2007. Б.80-81,109.*
3. Аширов А. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила, турмуш маросимлари ҳақида // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. №1. Б.50.*
4. Авесто. // А.Маҳкамов таржимаси. *Б.154,185; Авесто Яшт китоби // М.Исҳоқов таржимаси. Б.15.*
5. Жўраев М. “Сехрли” рақамлар сири. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991, Б.50.
6. Макобелский А.О. Авесто. Баку: АН Азерб. ССР, 1960. С.84,100.
7. О.Сафаров, М.Мелиев. Оила маънавияти. *Т.:Маънавият. 2009. Б.160.*
8. Зардуштийларнинг кундалиқ ибодатлари тўғрисида, қаранг: Boyce M.Zoroastrians. Their Religious Beliefs and Practices. Лондон, 1979. П.39; Бойс М. Зороастрийцы. Вера и обычаи. М.:Наука, 1987-С.44.
9. Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б.60.